В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ ЭРКИНЖОН ТЎЛҚИНОВИЧ

КАСР ВА БУТУН ТАРТИБЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ИНТЕГРАЛ УЛАШ ШАРТЛИ ЧЕГАРАВИЙ ВА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ
(DOCTOR OF SCIENCE) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

УДК: 517.95

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ ЭРКИНЖОН ТЎЛҚИНОВИЧ

КАСР ВА БУТУН ТАРТИБЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ИНТЕГРАЛ УЛАШ ШАРТЛИ ЧЕГАРАВИЙ ВА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DOCTOR OF SCIENCE) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шахри – 2020 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/FM145 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://mathinst.uz/kengash/) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Салахитдинов Махмуд** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Турметов Батырхан Худайбергенович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Исломов Бозорбой физика-математика фанлари доктори, профессор
	Дурдиев Дурдимурод Қаландарович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ургенч давлат университети

Диссертация ҳимояси В.И. Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» ___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй. Тел.: (99871) 262-75-44, факс: (99871) 262-73-57, e-mail: kengash@mathinst.uz.)

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__________ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй. Тел.: (99871) 262-75-44).

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2020 йил «____» _______________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

Ў.А.Розиқов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.Қ. Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

А.Азамов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Каср тартибли дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларни тадқиқ этишнинг жаҳон миқёсидаги долзарблигини кўрсатувчи белгилардан бири рейтинги юқори илмий журналларда бу йўналишга оид кўплаб изланишларнинг чоп этилаётгани бўлса, бошқа кўрсаткич илмий натижаларни амалиётга жорий этишга йўналтирилган илмий-амалий лойиҳалар сонининг ортиб боришидир. Ер ости сувларининг ҳаракати, материалларнинг аралаш таркибига оид кимёвий ва механик жараёнлар, аномал диффузия жараёнларининг математик моделлари ва бошқа турли амалий масалалар каср тартибли дифференциал ва интеграл ҳисобга оид тадқиқотларнинг татбиқ этиш объектларидир. Умумлаштириш характери ҳамда бундай тенгламалар учун тизимлаштирилган аналитик ва сонли ҳисоб усулларнинг камлиги бу йўналишни дифференциал тенгламалар умумий назариясининг тадқиқот олиб бориладиган энг долзарб йўналишларидан бири бўлишига сабаб бўлди.

Охирги йилларда каср тартибли диффузия-тўлқин тенгламалари учун тўғри ва тескари масалаларнинг ечилишига оид масалалар, бу борадаги илмий натижаларнинг амалий масалаларни математик моделлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун бу йўналишда мақсадли илмий лойиҳаларни амалга ошириш долзарб масаладир. Аниқроқ айтганда, қуйидаги илмий йўналишлар бўйича тадқиқотлар долзарблик касб этади: каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал шартли чегаравий масалалар; турли операторлар, хусусан, каср тартибли операторлар қатнашган хусусий ҳосилали тенгламалар учун манба-функцияни топишга оид тескари масалаларнинг бир қийматли ечилишига оид саволлар; каср тартибли тенгламалар ва уларнинг хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечишга татбиқига боғлиқ махсус функцияларнинг хоссаларини ўрганиш масалалари. Юқорида айтилган йўналишлар бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигига асос бўлади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[1]. Хусусий ҳосилали тенгламалар, хусусан, диффузия-тўлқин тенгламалари учун турли тўғри ва тескари масалаларни ҳамда каср тартибли интегро-дифференциал операторлар ва уларнинг хоссалари, уларни умумлаштириш масалаларини тадқиқ қилишга оид илмий изланишлар дунёнинг йирик илмий марказлари ва университетларида олиб борилмоқда. Хусусан, Токио университети (Япония), Техас университети (АҚШ), Сантяго де Компостела университети (Испания), Гент университети (Бельгия), Ла-Рошель университети (Франция), Берлин озод университети, Бейт амалий фанлар

[1]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Fractional Calculus and Applied Analysis, https://www.degruyter.com/view/j/fca; Applied Mathematics and Computation, https://www.journals.elsevier.com/locate/amc; Journal of Mathematical analysis and Applications, https://www.journals.elsevier.com/locate/jmaa; Computers and Mathematics with Applications, https://www.journals.elsevier.com/locate/camwa ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

техника университети, Брауншвайг техника университети, Штутгарт университети, Берлин техника олий мактаби (Германия), Болония университети (Италия), математика ва информатика институти (Болгария), Порто муҳандислар институти (Португалия), Кошице техника университети (Словакия), Белорусь давлат университети (Белоруссия), Россия ФА Кабардин-Балкар илмий маркази амалий математика ва автоматлаштириш институти (Россия) даги ишлар аҳамиятга молик.

Турли каср тартибли операторлар қатнашган дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларга оид муҳим ишларга қисқа тўхталиб ўтамиз. Хусусан, бир нечта Капуто, Хилфер каср тартибли ҳосилалар қатнашган дифференциал тенгаламалар учун Коши масаласининг ечимлари топилган, улар билан боғлиқ махсус функцияларнинг хоссалари ўрганилган (Берлин озод университети, Бейт амалий фанлар техника университети, Германия), сингуляр бўлмаган ядроли каср тартибли дифференциал операторнинг хоссалари ўрганилган (Сантяго де Компостела университети, Испания), диффузия ва диффузия-тўлқин тенгламаларнинг сонли ечимлари қурилган (Болония университети, Италия; Брауншвайг техника университети, Германия; Кошица техника университети, Словакия), бир ва кўп ўзгарувчили каср тартибли тенгламалар учун бир туркум тўғри ва тескари масалаларнинг бир қийматли ечилиши исботланган (Ла-Рошель университети, Франция), каср тартибли дифференциал тенгламалар учун экстремум принциплари ва уларнинг Капуто, Риман-Лиувилл ҳосилалари қатнашган диффузия тенгламалари учун тескари масалаларга татбиқи исботланган (Токио университети, Япония; Техас университети, АҚШ), Коши масаласининг Райт типидаги функция орқали ифодаланган фундаментал ечими топилган ва у ёрдамида Риман-Лиувилл, Джрбашян-Нерсесян, континуал тартибли ҳосилалар қатнашган хусусий ҳосилали тенгламалар учун қўйиладиган асосий чегаравий масалаларнинг Грин функцияларини қурилган (Белорус давлат университети, Белоруссия; Россия ФА Кабардин-Балкар илмий маркази амалий математика ва автоматлаштириш институти, Россия), сингуляр бўлмаган ядроли каср тартибли ҳосила билан боғлиқ ерости сувлари ҳаракатига оид математик моделлар ўрганилган (Чанкая университети, Туркия; Порто муҳандислар институти, Португалия).

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида долзарб йўналишлар сифатида аналитик усулларни ривожлантирган ҳолда, сонли моделлар алгоритмларини мукаммаллаштириб табиатдаги реал жараёнларни аниқроқ ўзида акс эттирадиган математик моделлар тузиш бўйича илмий-амалий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Каср тартибли ҳисоб назариясига оид дастлабки фундаментал тадқиқотлар B.Riemann, J.Liouville, Hj.Holmgren, А.В.Летников, A.Grünwald, Н.Я.Сонин, H.Weyl, М.М.Джрбашян, А.Б.Нерсесян ва бошқалар томонидан олинган. Турли каср тартибли интегро-дифференциал операторлар қатнашган оддий дифференциал тенгламалар учун Коши масаласи ечимининг топилиши каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларга бўлган қизиқишни орттирди. Турли хилдаги каср тартибли ҳосилалар қатнашган диффузия ва диффузия-тўлқин тенгламалари учун фундаментал ечимларни топиш масалалари Schneider W.R., Wyss W., Fujita Y., Mainardi F., Геккиева С., Псху А.В., Лучко Ю. ва Gorenflo R. ишларида ўрганилган. Дюамель принципининг каср тартибли аналоги, стохастик дифференциал тенгламалар билан боғланган Фоккер-Планк-Колмогоров тенгламаларининг каср тартибли аналоглари С.Умаров томонидан тадқиқ этилган. Дж.Аманов, Б.Ж.Қодирқулов томонидан тўғри тўртбурчак соҳаларда юқори тартибли, каср тартибли дифференциал операторлар қатнашган тенгламалар учун бир қанча тўғри ва тескари масалалар ўрганилган. Бундай тенгламалар учун экстремум принциплари Нахушева В.А., Лучко Ю., Yamamoto M., Liu Y. томонидан тадқиқ қилинган. А.В.Псху ишларида эса Грин функциялари усули ёрдамида Риман-Лиувилл оператори ва континуал ҳосилали шундай тенгаламалар учун асосий чегаравий масалалар ўрганилган.

Каср тартибли тенгламалар системасини ўрганиш борасида М.О.Мамчуев, D.Baleanu ишларини қайд этиш керак. Килбас А.А. ва Репин О.А. ишларида каср тартибли диффузия тенгламаси қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар тадқиқ қилинган.

Турли каср тартибли ҳосила қатнашган диффузия тенгламалари учун тескари масалалар Yamomoto M., Бондаренко А.Н. ва Ивашченко Д.С., Rundell W., Tatar S., Malik S.A. ишларида ўрганилган бўлса, кўп ўзгарувчили хусусий ҳосилали каср тартибли дифференциал тенгламалар учун тескари масалалар Kirane M., Tuan N.H. томонидан тадқиқ қилинган.

К.Б.Сабитов ва унинг шогирдлари томонидан бир туркум бутун тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун тескари масалалар тадқиқ қилинган. Бир нечта Капуто, Адамар, Хилфер ҳосилалари қатнашган дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалалар Лучко Ю., Gorenflo R., Furati K.M., Malik S.A. ишларида ўрганилган.

Турметов Б.Х. ва унинг шогирдлари томонидан Адамар, Адамар-Маршо каср тартибли операторлар соҳа чегарасида қатнашган чегаравий масалалар, уларнинг хоссалари ва уларни умумлаштириш муаммолари ўрганилган.

Сингуляр бўлмаган ядрога эга бўлган янги каср тартибли ҳосилалар қатнашган тенгламаларни тадқиқ этиш бўйича M.Caputo, M.Fabrizio, J.J.Nieto, A.Atangana, D.Baleanu ишларини алоҳида эътироф этамиз.

Каср тартибли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни сонли ечиш усуллари S.Momani, K.Diethelm томонидан ишлаб чиқилган бўлса, хусусий ҳосилали тенгламалар учун I.Podlubny, O.P. Agrawal, D.Baleanu, A.Ashyralyev томонидан тадқиқ қилинган.

Соболев типидаги тенгламалар учун тескари масалалар А.И.Кожанов ишларида ўрганилган бўлса, M. Yamamoto, С.Кабанихина ва A.Lorenzi тўлқин тарқалишининг квант назарияси, диффузия жараёнларига оид тескари масалаларни тадқиқ қилишган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети қошидаги Математика институтининг Ф4-ФА-Ф010: «Сингулярликка эга хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар ва эркин чегарали чизиқсиз масалалар» ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтидаги ОТ-Ф4-88 «Иккинчи ва юқори тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун тўғри ва тескари масалалар» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аралаш соҳаларда турли каср тартибли интегро-дифференециал операторлар қатнашган хусусий ҳосилали тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларни тадқиқ этиш, Капуто ва Хилфер каср тартибли ҳосилалар қатнашган аралаш тенгламалар учун тескари масалалар билан боғлиқ бўлган икки ўзгарувчили Миттаг-Леффлер типидаги функцияларнинг хоссаларини ўрганишдан иборат. Қолаверса, уларнинг турли диффузион жараёнлар, ғовак соҳаларда ерости сувлари ҳаракати, газлар оқимига татбиқини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аралаш соҳаларда каср тартибли Капуто ва Риман-Лиувилл интегро-дифференциал операторлари қатнашган аралаш тенгламалар учун интеграл улаш шартли чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечилишини тадқиқ қилиш;

Капуто, Риман-Лиувилл каср тартибли ҳосилалар ва гипер-бессел оператори қатнашган хусусий ҳосилали бузиладиган дифференциал тенгламалар учун номаълум манбали тескари масалаларни тадқиқ қилиш;

бир нечта каср тартибли операторлар қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун тескари масалаларнинг бир қийматли ечилиши шартларини аниқлаш;

Бессел оператори қатнашган хусусий ҳосилали тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг регуляр ечилишини исботлаш;

каср тартибли диффузия тенгламаси қатнашган аралаш тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларни аралаш соҳаларда ечиш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Капуто, Риман-Лиувилл, Хилфер, гипер-бессел маъносидаги интегро-дифференциал операторлар, Миттаг-Леффлер типидаги функциялар, каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалалардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида математик анализ, математик физика, чизиқли операторларнинг спектрал назарияси, махсус функциялар, интеграл тенгламалар ва қаторлар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аралаш соҳаларда Капуто ва Риман-Лиувилл каср тартибли интеграл-дифференциал операторлар қатнашган аралаш тенгламалар учун интеграл улаш шартли нолокал чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечилиши исботланган;

бир нечта Капуто оператори ва Бессел оператори қатнашган хусусий ҳосилали тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларнинг регуляр ечилиши исботланган;

тўғри тўртбурчак ва характеристик учбурчаклардан ташкил топган аралаш соҳаларда каср тартибли диффузия тенгламаси қатнашган аралаш тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларнинг ечиш усули ишлаб чиқилган;

текис эллиптик ва Капуто операторлари қатнашган каср тартибли аралаш тенгламалар учун манба-функцияни аниқлаш ҳақидаги тескари масалаларининг кучсиз ечилиши исботланган;

каср тартибли Капуто ҳосиласи қатнашган аралаш тенглама учун манба-функцияни аниқлаш ҳақидаги нолокал тескари масаланинг бир қийматли ечилиши учун шартлар аниқланган;

Риман-Лиувилл каср тартибли ҳосиласи қатнашган диффузия-тўлқин тенгламаси учун қўйилган биринчи чегаравий масала Грин функцияси ҳамда икки ўзгарувчили Миттаг-Леффлер типидаги функцияларнинг турли каср тартибли интегро-дифференциал операторлар қатнашган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларга татбиқ қилинган янги хоссалари исбот қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тупроқдаги молекуляр диффузия, ғовак муҳитларда ерости сувлари ҳаракати, газлар оқимига боғланган аниқ мисолар келтирилган. Тенгламадаги турли параметрларнинг жараёнга таъсири таҳлил қилинган. Маълум Грин функция хоссаларидан фойдаланган ҳолда ўзгариш чизиғи силлиқ бўлмаган аралаш тенгламалар учун чегаравий масалаларни интеграл тенгламалар системасига келтириш усули модификацияланган. Мос спектрал масалаларнинг хос функциялар системасининг тўлалик ва базислик хоссаларидан фойдаланиб каср тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларнинг текис ва абсолют яқинлашувчи қаторлар кўринишидаги ечимлари олинган. Икки ўзгарувчили Миттаг-Леффлер функциялари ва Грин функциясининг исботланган янги хоссалари ёрдамида каср тартибли аралаш тенгламалар учун янги синфдаги масалалар тадқиқ этиш имконияти кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларни ечиш, Грин функцияси ва икки ўзгарувчили Миттаг-Леффлер типидаги функциялар хоссаларини ўрганиш ва уларни чегаравий масалаларни ечишга татбиқ этишда математик анализ, математик физика, махсус функциялар назарияси, диф-ференциал тенгламалар, чизиқли операторларнинг спектрал назарияси, интеграл тенгламалар ва қаторлар назарияси усулларини қўллаш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ушбу ишда олинган илмий натижалардан каср тартибли дифференциал ва интеграл тенгламалар назарияси ҳамда махсус функциялар назариясида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижаларнинг каср тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар орқали ифодаланувчи турли характердаги диффузия жараёнлари, хусусан, тупроқдаги молекуляр диффузия, ғовак муҳитларда ерости сувлари, газ ва кам сиқилувчан суюқликларнинг ҳаракатланиш жараёнларига татбиқ этилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

Аралаш соҳаларда каср тартибли аралаш тенгламалар учун тескари масалалар ечимларини Фурье-Бессель ва Фурье-Лежандр қаторларига ёйиб топиш усуллари ҳамда Миттаг-Леффлер типидаги функцияларнинг янги хоссаларидан фойдаланиб илмий лойиҳа масалалари тадқиқ этилган (Гент университетининг (Бельгия) ҳамда Математика ва математик моделлаштириш университетининг (Қозоғистон) 2020 йил 12 июндаги 01-06/98-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши гипоэллиптик ва субдиффузия тенгламалари учун тескари масалаларни берилан функцияларга аниқ шартлар асосида бир қийматли ечиш имконини берган;

Капуто оператори қатнашган аралаш тенглама учун ўрганилган тескари масалаларнинг кучсиз ва регуляр ечилишининг тадқиқ этиш усуллари яна бир хорижий грантда каср тартибли аралаш тенгламалар учун турли нолокал тескари масалаларни тадқиқ қилишда ишлатилган (Уммон султонлигининг Султон Қабус университетининг тегишли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши каср тартибли дифференциал тенгламалар учун нолокал шартли тескари масалаларни қўйиш ва уларнинг ечимларини абсолют ва текис яқинлашувчи қаторлар кўринишида ифодалаб ечиш имконини берган.

Иккита ўзгариш чизиғига эга бўлган каср тартибли аралаш тенглама учун интеграл улаш шартли нолокал чегаравий масалаларнинг тадқиқ этиш усули ҳамда гипер-бессел оператори қатнашган каср тартибли дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларни ечиш услуби хорижий илмий журналларда (Mathematics, 2020, 8:856; Mathematical Methods in Applied Sciences, 2019, 42(11), pp. 3865-3876; Journal of Mathematical Analysis and Applications, 2018, 468(1), pp.473-479; Differ. Equ. Dyn. Syst., 2017, https://doi.org/10.1007/ s12591-017-0378-2; Electronic Journal of Differential Equations, 2014, № 97, pp. 1-17; Electronic Journal of Differential Equations, 2015, № 221, pp. 1-10) ишлатилган. Илмий натижаларни қўллаш натижасида учинчи тартибли параболик-гиперболик типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни тадқиқ этишда, Капуто операторили дискрет параболик тенгламала учун чегаравий масалалар ҳамда гипер-бессел оператори қатнашган хусусий ҳосилали тенгламалар учун чегаравий масалаларни тадқиқ этишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 8 та халқаро ва 7 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 14 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўрт боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 207 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Битта ва иккита тип ўзгариш чизиғига эга бўлган аралаш тенгламалар учун интеграл улаш шартли чегаравий масалалар»** деб номланган 1-бобида Хилфер, Капуто ва Риман-Луивилл каср тартибли ҳосилалар қатнашган битта ва иккита тип ўзгариш чизиғига эга бўлган аралаш тенгламалар учун интеграл улаш шартли чегаравий масалалар тадқиқ қилинган. Улаш шартининг кўринишидан келиб чиқиб ўрганилаётган масалалар эквивалент тарзда ё иккинчи тур Вольтерра, ёки иккинчи тур Фредгольм интеграл тенгламасига келтирилган. Охирги ҳолатда эса масала ечими ягоналиги алоҳида исботланган. Бу эса улаш шартларининг аралаш тенгламалар учун қўйилган масалаларнинг бир қийматли ечилишида муайян рол ўйнашини кўрсатади.

Ω соҳада қуйидаги тенглама учун

$$0=\begin{cases} u_{xx}-D_{0t}^{\alpha,\mu}u,\ t>0, \\ u_{xx}-u_{tt}, \quad\ t<0 \end{cases} \tag{1}$$

интеграл улаш шартли чегаравий масалани баён этамиз:

1-масала. *Шундай* $u(x,t)$, *функция топилсинки, у* $\overline{\Omega}\setminus AB$ *соҳада узлуксиз бўлсин;* $u_{xx}(x,t), u_{tt}(x,t)$ *ҳосилалар* Ω_2 *соҳада узлуксиз бўлсин;* $u_{xx}(x,t)$, $D_{0t}^{\alpha,\mu}u(x,t)$ *лар* Ω_1 *соҳада узлуксиз бўлсин;* Ω_1 *ва* Ω_2 *соҳаларда (1) тенгламани қаноатлантирсин;қуйидаги чегаравий* $u(0,t)=u(1,t)=0, 0\le t\le 1$, $u(x/2,-x/2)=\psi(x), 0\le x\le 1$ *ҳамда улаш шартларини қаноатлантирсин:*

$$\lim_{t\to+0} t^{(1-\mu)(1-\alpha)}u(x,t)=u(x,-0), 0\le x\le 1,$$

$$\lim_{t\to+0} t^{1-\alpha}\left[t^{(1-\mu)(1-\alpha)}u(x,t)\right]_t=\gamma_1 u_t(x,-0)+\gamma_2\int_0^x u_t(z,-0)P(x,z)dz$$

$$+\gamma_3\int_x^1 u_t(z,-0)Q(x,z)dz, 0<x<1.$$

Бу ерда $\Omega=\Omega_1\cup\Omega_2\cup AB$ - x ва t ўзгарувчиларнинг бир боғламли соҳаси,

$$AB=\{(x,t):0<x<1, t=0\},\ \Omega_1=\{(x,t):0<x<1, 0<t<1\},$$

$$\Omega_2=\left\{(x,t):-t<x<t+1,-\frac{1}{2}<t<0\right\},\ D_{0t}^{\alpha,\mu}f=I_{0t}^{\mu(1-\alpha)}\frac{d}{dt}I_{0t}^{(1-\mu)(1-\alpha)}f(t)$$

- $\alpha(0<\alpha\le 1)$ тартибли ва $\mu(0\le\mu\le 1)$ типдаги Хилфер интегро-дифференциал оператори, $I_{0t}^{\alpha}f(t)=\dfrac{1}{\Gamma(\alpha)}\displaystyle\int_0^t\frac{f(z)dz}{(t-z)^{1-\alpha}}$ - $\alpha(\mathrm{Re}\,\alpha>0)$ тартибли Риман-Лиувилл каср тартибли интеграли, $\Gamma(\alpha)$ - Эйлер гамма-функцияси, $\psi(x),P(x,z),Q(x,z)$ - берилиш соҳаларида узлуксиз бўлган функциялар, $\gamma_1,\gamma_2,\gamma_3\in R$, шундайки $\gamma_1^2+\gamma_2^2+\gamma_3{}^2\ne 0$.

Қуйидаги ягоналик теоремаси ўринли:

1-теорема. *Агар* $\gamma_1>0$, $\gamma_2\ge 0,\gamma_3\ge 0$ *ва қуйидаги шартлар бажарилса*

$$\frac{\partial P(x,z)}{\partial z}=-P_1(x)P_1(z),\frac{\partial Q(x,z)}{\partial z}=-Q_1(x)Q_1(z),\ P(x,x)\ge 0,\ Q(x,x)\ge 0,$$

1-масала биттадан ортиқ ечимга эга эмас.

1-мисол. *Ушбу функция* $P(x,t)=\sin x\cos t,\ Q(x,t)=e^{-x}\left(1+e^{-t}\right)$ *1-теореманинг барча шартларини қаноатлантиради.*

1-масаланинг ечими мавжудиги қуйидаги теоремада исботланган:

2-теорема. *Агар 1-теореманинг барча шартлари ҳамда*

$$P(x,t),Q(x,t)\in C([0,1]\times[0,1]),(\partial/\partial t)P(x,t),$$

$$(\partial/\partial t)Q(x,t)\in C([0,1]\times[0,1]),\psi(0)=0,\ \psi(x)\in C^1[0,1]\cap C^2(0,1),$$

шартлар бажарилса, 1-масаланинг ягона ечими мавжуд.

Бу ерда $\tilde{P}(\cdot,\cdot),\tilde{Q}(\cdot,\cdot),a_i,b_i,c_i\left(i=\overline{1,3}\right),\tilde{\alpha},\tilde{\beta},\tilde{\gamma}$ - шундай берилган функцияларки,

$$a_1^2+a_2^2\ne 0,a_1^2+a_3^2\ne 0,b_1^2+b_2^2\ne 0,b_1^2+b_3^2\ne 0,\tilde{\alpha}^2+\tilde{\beta}^2+\tilde{\gamma}^2\ne 0,a_i^2+b_i^2+c_i^2\ne 0,i=1,2$$

Ушбу бобнинг давомида қуйидаги масала тадқиқ қилинган:

2-масала. *Шундай* $u(x,t)$ *функцияни топилсинки,*

1) $u(x,t)\in C\left(\overline{\Omega}\right)\cap C^1\left(\overline{\Omega_2}\right)\cap C^2(\Omega_2),\ {}_CD_{0t}^{\alpha}u\in C(\Omega_1),u_{xx}\in C(\Omega_1)$;

2) *қуйидаги тенгламани қаноатлантирсин:*

$$u_{xx}-\frac{1+\mathrm{sgn}\,t}{2}\,{}_CD_{0t}^{\alpha}u-\frac{1-\mathrm{sgn}\,t}{2}u_{tt}=0;$$

3) *қуйидаги нолокал чегаравий шартларни қаноатлантирсин:*

$$a_1(z)u(0,z)+b_1(z)u(z/2,-z/2)=c_1(z),\ 0\le z\le 1,$$

$$a_2(z)u(1,z)+b_2(z)u((z+1)/2,(z-1)/2)=c_2(z),\ 0\le z\le 1,$$

$$a_3(z)u(0,z)+b_3(z)u(1,z)=c_3(z),\ 0\le z\le 1;$$

4) $u(x,t)$ *қуйидаги улаш шартларини ҳам қонатлантирсин:*

$$\lim_{t\to+0} t^{1-\alpha}u_t(x,t)=\tilde{\alpha}u_t(x,-0)+\tilde{\beta}\int_0^x u_t(z,-0)\tilde{P}(x,z)dz+\tilde{\gamma}\int_x^1 u_t(z,-0)\tilde{Q}(x,z)dz,\ 0<x<1.$$

Бу ерда ${}_C D_{0t}^{\alpha} f=\dfrac{1}{\Gamma(n-\alpha)}\displaystyle\int_0^t \dfrac{f^{(n)}(z)}{(t-z)^{\alpha-n+1}}dz \quad \left(n=\left[\operatorname{Re}(\alpha)\right]+1,\ t>0\right)$

- α каср тартибли Капуто интегро-дифференциал оператори, $0<\alpha\le 1$, $\tilde{\alpha},\tilde{\beta},\tilde{\gamma}$ - берилган ҳақиқий сонлар, $\tilde{P}(x,z),\tilde{Q}(x,z)$, $a_i(z),b_i(z),c_i(z)\ \left(i=\overline{1,3}\right)$ - шундай берилган функцияларки,

$$\tilde{\alpha}^2+\tilde{\beta}^2+\tilde{\gamma}^2\ne 0,\ a_1^2(z)+a_2^2(z)\ne 0, a_1^2(z)+a_3^2(z)\ne 0, b_1^2(z)+b_2^2(z)\ne 0,$$

$$b_1^2(z)+b_3^2(z)\ne 0, a_j^2(z)+b_j^2(z)+c_j^2(z)\ne 0,\ j=1,2.$$

Қуйидаги теоремалар ўринли:

3-теорема. *Агар қуйидаги шартлар бажарилса*

$$\tilde{P}(x,t)=\tilde{P}_1(x)\tilde{P}_2(t),\tilde{Q}(x,t)=\tilde{Q}_1(x)\tilde{Q}_2(t),$$

$$\frac{\tilde{\alpha}}{2}\overline{d_2}'(x)+\tilde{\beta}\overline{d_2}(x)\tilde{P}_1(x)\tilde{P}_2(x)-\tilde{\gamma}\overline{d_2}(x)\tilde{Q}_1(x)\tilde{Q}_2(x)\ge 0,\frac{\tilde{\beta}\tilde{P}_1(1)}{2\overline{d_2}(1)\tilde{P}_2'(1)}\le 0,$$

$$\frac{\tilde{\gamma}\tilde{Q}_1(0)}{2\overline{d_2}(0)\tilde{Q}_2'(0)}\le 0,\frac{d}{dx}\left[\frac{\tilde{\beta}\tilde{P}_1(x)}{2\overline{d_2}(x)\tilde{P}_2'(x)}\right]\ge 0,\frac{d}{dx}\left[\frac{\tilde{\gamma}\tilde{Q}_1(x)}{2\overline{d_2}(x)\tilde{Q}_2'(x)}\right]\le 0,$$

$a_1(z)b_2(z)c_3(z)\ne\pm a_2(z)a_3(z)b_1(z)$, $\tilde{P}_2'(x)$, $\tilde{Q}_2'(x)\ne 0$, $a_1(0)\ne -b_1(0)$, *у ҳолда 2-масала биттадан ортиқ ечимга эга бўла олмайди, бу ерда*

$$\overline{d_2}(z)=\frac{1+d_2(z)}{1-d_2(z)},\ d_2(z)=\frac{a_1(z)b_2(z)c_3(z)}{a_2(z)a_3(z)b_1(z)}.$$

4-теорема. *Агар 3-теореманинг барча шартлари ҳамда*

$$a_i(z),b_i(z),c_i(z)\in C[0,1]\cap C^1(0,1),\tilde{P}(x,z),\tilde{Q}(x,z),$$

$$\frac{\partial\tilde{P}(x,z)}{\partial z},\frac{\partial\tilde{Q}(x,z)}{\partial z}\in C\left([0,1]\times[0,1]\right)\cap C^1\left((0,1)\times(0,1)\right),$$

шартлар бажарилса, у ҳолда 2-масала бир қийматли ечилади.

1.3 ва 1.4 параграфларда иккита тип ўзгариш чизиғига эга, Капуто ва Риман-Лиувилл каср тартибли операторлар қатнашган аралаш тенглама учун интеграл улаш шартли чегаравий масалалар ўрганилган. Тадқиқ қилинаётган масалани бир қийматли ечилишидан ташқари улаш шартининг масаланинг ечиилишига таъсир кўрсатилган.

Энди қуйидаги тенгламани

$$g(x,y)=\begin{cases}u_{xx}(x,y)-{}_C D_{0t}^{\lambda}u(x,y),\ 0<\lambda<1,\ (x,y)\in\Delta_0,\\ u_{xx}(x,y)-u_{yy}(x,y),\ (x,y)\in\Delta_i\ (i=1,2)\end{cases}\tag{2}$$

$\Delta = \Delta_0 \cup \Delta_1 \cup \Delta_2 \cup AA_0 \cup BB_0$. соҳада тадқиқ қиламиз. Бу ерда $g(x, y)$ - берилган функция, Δ_0 - учлари $A(0,0), B(1,0), B_0(1,1) A_0(0,1)$ нуқталар бўлган ABB_0A_0 тўғритўртбурчак, $\Delta_1(\Delta_2)$ - $x<0(x>1)$ да $AA_0(BB_0)$ кесма, (2) тенгламанинг $A_0C(B_0D)$ характеристикаси ҳамда $AC: x=-\gamma_1(y)\left[BD: x=-\gamma_2(y)\right]$ силлиқ чизиқ билан чегараланган соҳа.

(2) тенглама учун Δ соҳада қуйидаги масалани тадқиқ қиламиз:

3-масала. (2) тенгламанинг

$$W_1 = \left\{u(x,t): u \in C(\overline{\Delta}) \cap C^1(\Delta),\, u_{xx},\, {}_C D_{0t}^{\lambda} u \in C(\Delta_0), u \in C^2(\Delta_i)\right\}$$

функциялар синфига тегишли ва қуйидаги бошланғич $u(x,0)=0,\ 0 \le x \le 1,$

чегаравий $\left.(u_x - u_y)\right|_{AC} = 0,\ \left.(u_x + u_y)\right|_{BD} = 0,$ шартларни ҳамда улаш шартларини қаноатлантирувчи ечими топилсин:

$$u_x(-0, y) = \alpha_1 u_x(0+, y) + \beta_1 \int_0^y u_x(0+, t) Q_1(y,t)\, dt,\ \ 0<y<1,$$

$$u_x(1+0, y) = \alpha_2 u_x(1-0, y) + \beta_2 \int_0^y u_x(1-0, t) Q_2(y,t)\, dt.\ \ 0<y<1.$$

Бу ерда $\alpha_i, \beta_i\ (i=1,2)$ - берилган шундай ҳақиқий сонларки, $\alpha_i^2 + \beta_i^2 \ne 0$, $Q_i(y,t)(i=1,2)$ - берилган функциялар.

Қуйидаги теорема ўринли:

5-теорема. *Агар* $\alpha_i \ne 0\ (i=1,2)$ *ва*

$$g(x, y) \in C(\overline{\Delta}) \cap C^1(\Delta), Q_i(y,t) \in C([0,1]\times[0,1]) \cap C^1((0,1)\times(0,1))$$

шартлар бажарилса, у ҳолда 3-масала бир қийматли ечилади.

Энди 3-масаладан қуйидаги улаш шартлари билан фарқ қилувчи **4-масала**ни тадқиқ қиламиз:

$$u_x(0+, y) = \alpha_3 u_x(0-, y) + \beta_3 \int_y^1 u_x(0-, t) P_1(y,t)\, dt, 0<y<1, \tag{3}$$

$$u_x(1-0, y) = \alpha_4 u_x(1+0, y) + \beta_4 \int_y^1 u_x(1+0, t) P_2(y,t)\, dt, 0<y<1. \tag{4}$$

Бу ерда $\alpha_i, \beta_i\ (i=3,4)$ - шундай ҳақиқий сонларки, $\alpha_i^2 + \beta_i^2 \ne 0$,

$P_i(y,t)(i=1,2)$ - берилган узлуксиз функциялар.

Ушбу масалани (3), (4) улаш шартлари туфайли эквивалент тарзда иккинчи тур Вольтерра интеграл тенгламасига келтириб бўлмайди. Масала иккинчи тур Фредгольм интеграл тенгламасига келтирилади. Шу сабабли масала ечимининг ягоналиги алоҳида исботланади.

Қуйидаги ягоналик теоремаси исботланган:

6-теорема. *Айтайлик*

$$\alpha_j \ge 0, \beta_j \ge 0,\ P_i\left(y,t\right)=P_{i,1}\left(y\right)\cdot P_{i,2}\left(t\right),\ P_{i,2}\left(1\right)=0,$$

$$P_{i,1}\left(y\right)\cdot P_{i,2}\left(y\right)\le 0, \frac{P_{i,1}\left(0\right)}{P'_{i,2}\left(0\right)}\ge 0, \left(\frac{P_{i,1}\left(y\right)}{P'_{i,2}\left(y\right)}\right)'\ge 0\left(i=1,2,\ j=3,4\right).$$

У ҳолда, агар 4-масала ечими мавжуд бўлса, у ягонадир.

2-мисол. $P\left(y,t\right)=e^{y}\left(1-e^{1-t}\right)$ функция 6-теореманинг барча шартларини қаноатлантиради.

4-масаланинг ечими мавжудлиги ҳақида қуйидаги теорема исботланган:

7-теорема. *Агар* $\alpha_i \ne 0\left(i=3,4\right)$ *ва қуйидаги*

$$g\left(x,y\right)\in C\left(\overline{\Delta}\right)\cap C^{1}\left(\Delta\right),\ P_i\left(\cdot,\cdot\right)\in C\left(\left[0,1\right]\times\left[0,1\right]\right)\cap C^{1}\left(\left(0,1\right)\times\left(0,1\right)\right)\left(i=1,2\right)$$

шартлар бажарилса, у ҳолда 4-масаланинг ечими мавжуд бўлади.

Риман-Лиувилл каср тартибли ҳосила қатнашган тип ўзгариш чизиғи иккита бўлган аралаш тенглама учун нолокал чегаравий масала эквивалент равишда иккинчи тур Вольтерра интеграл тенгламалар системасига келтирилган.

Диссертациянинг «**Учта тип ўзгариш чизиғига эга бўлган тенглама учун интеграл улаш шартли чегаравий масалалар**» 2-бобида тўғри тўртбурчак ва учта характеристик учбурчакдан иборат аралаш соҳаларда Капуто каср тартибли интегро-дифференциал оператори қатнашган аралаш тенглама учун нолокал шартли учта масала тадқиқ этилган.

2.1 параграфда учта тип ўзгариш чизиғига эга бўлган аралаш тенглама учун характеристиканинг турли қисмларини боғловчи Франкл типидаги шартли масала тадқиқ этилган. Масала эквивалент тарзда иккинчи тур Вольтерра интеграл тенгламасига келтирилган.

Қуйидаги тенгламани

$$0=\begin{cases} u_{xx}-{}_{C}D_{0y}^{\lambda}u, & (x,y)\in\Phi_0, \\ u_{xx}-u_{yy}, & (x,y)\in\Phi_i (i=\overline{1,3}) \end{cases} \tag{5}$$

$\Phi=\Phi_0\cup\Phi_1\cup\Phi_2\cup\Phi_3\cup AB\cup AA_0\cup AB_0$ аралаш соҳада тадқиқ этамиз.. Бу ерда $0<\lambda\le 1$, $\Phi_0=\left\{(x,y):0<x<1, 0<y<1\right\}$, Φ_1,Φ_2,Φ_3 - учлари $A,B,C;A,A_0,D;B,B_0,E$ нуқталарда бўлган характеристик учбурчаклар, $A(0,0),A_0(0,1)$, $B(1,0),B_0(1,1)$, $C(1/2,-1/2),D(-1/2,1/2)$, $E(3/2,1/2)$.

5-масала. *(5) тенгламанинг қуйидаги*

$$W_2=\left\{u(x,y): u\in C(\overline{\Phi}), u_{xx}, {}_{C}D_{0y}^{\lambda}u\in C(\Phi_0), u(x,y)\in C^{2}(\Phi_i), i=\overline{1,3}\right\},$$

функциялар синфига тегишли, биринчи тартибли $u_x\left(x,y\right)$ *ҳосиласи* $\Phi\setminus\Phi_1$ *да узлуксиз ҳамда қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин:*

$$a_1(t)u(t,-t)+a_2(t)u(-t,t)=a_3(t), 0\le t\le 1/2, \qquad u|_{CB}=\phi_1(x),\ 1/2\le x\le 1,$$
$$u|_{BE}=\phi_2(y),\ \ 0\le y\le 1/2,\ \lim_{y\to+0}{}_C D_{0y}^{\lambda}u(x,y)=\lim_{y\to-0}u_y(x,-0),\ \ 0<x<1,$$

бу ерда $a_i(\cdot),\phi_j(\cdot)(i=\overline{1,3}, j=1,2)$ - шундай берилган функцияларки $\phi_1(1)=\phi_2(0)$.

8-теорема. *Агар қуйидаги шартлар бажарилса:*

$$a_i(\cdot),\phi_2(\cdot)\in C^1[0,1/2]\cap C^2(0,1/2)\ ,\phi_1(\cdot)\in C^1[1/2,1]\cap C^2(1/2,1)\ ,$$

$\phi_1(1)=\phi_2(0),\ a_1(0)\ne -a_2(0),$ *у ҳолда 6-масаланинг ечими мавжуд ва ягона бўлади.*

3-мисол. 8-теорема шартларини қаноатлантирувчи $a_i(\cdot),\phi_2(\cdot)$ функцияларга мисол тарзида қуйидагиларни келтириш мумкин:

$$a_1(t)=\cos t,\ a_2(t)=\sin t,\ a_3(t)=t^2,\ \phi_1(x)=e^{x-1},\ \phi_2(y)=e^{y}.$$

2.2 параграф учта тип ўзгариш чизиғига эга бўлган аралаш тенглама учун характеристикаларда нолокал шартлар берилган чегаравий масаланинг ечимини топишга бағишланган. Махсус алгоритм ёрдамида масала ечими топилган.

6-масала. *(5) тенгламанинг* $u(x,y)\in C(\overline{\Phi})\cap C^1\left(\overline{\Phi}_j\right)\cap C^2(\Phi_j),\ j=\overline{1,3};\ {}_C D_{0y}^{\alpha}u\in C\left(\Phi_0\right)$ *синфга тегишли,* $u_x\left(x,y\right)$ *ҳосиласи* $x=0,\ x=1$ *гача узлуксиз ҳамда*

$$\hat{a}_1\left(t\right)u\left(-t,t\right)+\hat{a}_2\left(t\right)u\left(t,-t\right)=\hat{a}_3\left(t\right),\ 0\le t\le\frac{1}{2},$$
$$b_1\left(t\right)u\left(t,t-1\right)+b_2\left(t\right)u\left(2-t,1-t\right)=b_3\left(t\right),\ \frac{1}{2}\le t\le 1,$$
$$c_1\left(t\right)\left(u_x+u_y\right)\left(t-1,t\right)+c_2\left(t\right)\left(u_x-u_y\right)\left(2-t,t\right)=c_3\left(t\right),\ \frac{1}{2}<t<1;$$

нолокал шартлар ва қуйидаги улаш шартларини қаноатлантирувчи ечими топилсин:

$$\lim_{y\to+0}{}_C D_{0y}^{\lambda}u(x,y)=\alpha_1 u_y(x,-0)+\beta_1\int_0^x u_y(z,-0)P_1(x,z)dz,\ 0<x<1,$$
$$u_x(+0,y)=\alpha_2 u_x(-0,y)+\beta_2\int_0^y u_x(-0,z)P_2(y,z)dz,\ 0<y<1,$$
$$u_x(1-0,y)=\alpha_3 u_x(1+0,y)+\beta_3\int_0^y u_x(1+0,z)P_3(y,z)dz,\ 0<y<1.$$

Бу ерда $P_i(\cdot,\cdot)$, $\hat{a}_i\left(t\right), b_i\left(t\right), c_i\left(t\right)\left(i=\overline{1,3}\right)$ - шундай берилган функцияларки,

$$\begin{gathered}\hat{a}_1\left(0\right)+\hat{a}_2\left(0\right)\ne 0, b_1\left(1\right)+b_2\left(1\right)\ne 0, \hat{a}_1^2\left(t\right)+\hat{a}_2^2\left(t\right)>0, b_1^2\left(t\right)+b_2^2\left(t\right)>0,\\ c_1^2\left(t\right)+c_2^2\left(t\right)>0, \hat{a}_1^2(t)+b_2^2(t)>0, \hat{a}_2^2(t)+b_1^2(t)>0,\end{gathered} \tag{6}$$

α_i,β_i - шундай берилган ҳақиқий сонларки $\alpha_i^2+\beta_i^2\ne 0$.

9-теорема. *Айтайлик (6) шарт бажарилган бўлсин. Агар* $P_i(\cdot,\cdot)$ *функция берилган соҳасида узлуксиз ва узлуксиз дифференциалланувчи бўлса ҳамда*

$\hat{a}_i(\cdot), b_i(\cdot), c_i(\cdot) \in C^1[\cdot] \cap C^2(\cdot)(i=\overline{1,3}),$ *бўлса, 6-масаланинг ягона ечими мавжуд.*

2.3 параграфда силлиқ чизиқлар билан чегараланган махсус соҳада учта тип ўзгариш чизиғига эга бўлган аралаш тенглама махсус улаш шартли нолокал масала тадқиқ қилинган. Масала эквивалент равишда иккинчи тур Фредгольм интеграл тенгламалар системасига келтирилган. Шу сабабдан масала ечимининг ягоналиги алоҳида тарзда энергия интеграллари орқали исботланган.

Айтайлик $\Phi^* \subset \mathbb{R}^2$- бир боғламли аралаш соҳа бўлиб, бунда $\Phi^* = \Phi_0^* \cup \Phi_i^* \cup AB \cup BC \cup AD\left(i=\overline{1,3}\right)$, бу ерда $A(0,0), B(1,0), C(1,1), D(0,1)$, Φ_i^* - соҳа γ_i эгри чизиқ ва AB ($i=1$), BC ($i=2$), AD ($i=3$) кесма билан чегараланган соҳа. $\gamma_1: t=-\gamma_1(x), \gamma_1(0)=\gamma_1(1)=0$, $\gamma_2: x=-\gamma_2(t),$ эгри чизиқлар $\gamma_2(0)=\gamma_2(1)=0$, $\gamma_3: x=-\gamma_3(t)+1, \gamma_3(0)=\gamma_3(1)=0$ шартни қаноатлантиради ва тўлалигича мос характеристик учбурчаклар ичида ётади.

Бу параграфда қуйидаги тенглама тадқиқ этилган.

$$Lu = f\left(x,t\right), \tag{7}$$

бу ерда $Lu \equiv \begin{cases} u_{xx} - {}_C D_{0t}^{\lambda} u, \ (x,t) \in \Phi_0^*, 0<\lambda<1, \\ u_{xx} - u_{tt}, \quad (x,t) \in \Phi_i^* (i=\overline{1,3}). \end{cases}$

7-масала. *(7) тенгламанинг қуйидаги функциялар синфига тегишли* $W_3 = \left\{u : u(x,t) \in C(\overline{\Phi^*}), u_{xx}, {}_C D_{0t}^{\lambda} u \in C(\Phi_0^*), u(x,t) \in C^2(\Phi_i^*), i=\overline{1,3}\right\}$, *биринчи тартибли ҳосилалари эса* Φ_0^* *ва* $\Phi_i^*(i=\overline{1,3})$ *соҳаларнинг чегараларигача узлуксиз ва ушбу*

$$\left[u_x - u_t\right]\left(\theta_1(s)\right) = \sigma_1\left[u_x + u_t\right]\left(\theta_1^*(s)\right), 0<s<1,$$

$$\left[u_x - u_t\right]\left(\theta_2(s)\right) = \sigma_2\left[u_x + u_t\right]\left(\theta_2^*(s)\right), 0<s<1,$$

$$\left[u_x + u_t\right]\left(\theta_3(s)\right) = \sigma_3\left[u_x - u_t\right]\left(\theta_3^*(s)\right), 0<s<1;$$

нолокал шартларни қаноатлантирувчи ҳамда $u(A)=u(B)=0$ *шарт ва қуйидаги улаш шартларини қаноатлантирувчи ечими топилсин:*

$$\lim_{t\to+0} {}_C D_{0t}^{\lambda} u(x,t) = \widehat{\alpha}_1 u_t(x,-0) + \widehat{\beta}_1 \int_x^1 u_t(s,-0)\widehat{P}_1(x,s)ds,$$

$$u_x(+0,t) = \widehat{\alpha}_2 u_x(-0,t) + \widehat{\beta}_2 \int_t^1 u_x(-0,s)\widehat{P}_2(t,s)ds,$$

$$u_x(1-0,t) = \widehat{\alpha}_3 u_x(1+0,t) + \widehat{\beta}_3 \int_t^1 u_x(1+0,s)\widehat{P}_3(t,s)ds.$$

Бу ерда $\sigma_i, \widehat{\alpha}_i, \widehat{\beta}_i$ - берилган шундай ҳақиқий сонларки, $\widehat{\alpha}_i^2 + \widehat{\beta}_i^2 \neq 0$, $\widehat{P}_i(\cdot,\cdot)$ - берилган функциялар, $\theta_1(s), \theta_2(s), \theta_3(s)\left[\theta_1^*(s), \theta_2^*(s), \theta_3^*(s)\right]$ - мос ҳолда $\gamma_i(s)(i=\overline{1,3})$ эгри чизиқнинг (7) тенгламанинг $x-t=s$, $t-x=s$, $x+t=1+s$ $\left[x+t=s, x+t=s, t-x=1+s\right]$ характеристикалари билан кесишиш нуқталари аффикслари.

7-масаланинг бир қийматли ечилиши ҳақидаги қуйидаги теорема ўринли:

10-теорема. *Айтайлик* $\widehat{P}_i(t,s) = \widehat{P}_{i,1}(t)\cdot\widehat{P}_{i,2}(s), \widehat{P}_{j,2}(1)=0, i=\overline{1,3}, j=2,3$ *ва*

$$\frac{\widehat{\alpha}_2(1+\sigma_2)}{1-\sigma_2} \geq 0,\ \frac{\widehat{\beta}_2(1+\sigma_2)}{1-\sigma_2}\widehat{P}_{2,1}(t)\widehat{P}_{2,2}(t) \leq 0,$$

$$\frac{\widehat{\beta}_2(1+\sigma_2)}{2(1-\sigma_2)}\cdot\frac{\widehat{P}_{2,1}(0)}{\widehat{P}_{2,2}{}'(0)} \leq 0,\ \frac{\widehat{\beta}_2(1+\sigma_2)}{2(1-\sigma_2)}\cdot\left(\frac{\widehat{P}_{2,1}(t)}{\widehat{P}_{2,2}{}'(t)}\right) \leq 0, \frac{\widehat{\beta}_1(\sigma_1-1)}{2(\sigma_1+1)} \geq 0, \widehat{P}_{1,1}(x)\cdot\widehat{P}_{1,2}(x) \geq 0, \left(\frac{\widehat{P}_{1,1}(x)}{\widehat{P}_{1,2}{}'(x)}\right) \geq 0,$$

шартлар ҳамда қуйидаги шартлар ўринли бўлсин:

$$f(x,t),\ P_i(x,t) \in C\left([0,1]\times[0,1]\right)\cap C^1\left((0,1)\times(0,1)\right),$$

$$\frac{\widehat{\alpha}_3(\sigma_3-1)}{\sigma_3+1} \leq 0, \frac{\widehat{\beta}_3(\sigma_3-1)}{\sigma_3+1}\widehat{P}_{3,1}(t)\cdot\widehat{P}_{3,2}(t) \geq 0, \frac{\widehat{\beta}_3(\sigma_3-1)}{2(\sigma_3+1)}\frac{\widehat{P}_{3,1}(0)}{\widehat{P}_{3,2}{}'(0)} \geq 0, \frac{\widehat{\beta}_3(\sigma_3-1)}{2(\sigma_3+1)}\left(\frac{\widehat{P}_{3,1}(t)}{\widehat{P}_{3,2}{}'(t)}\right) \geq 0.$$

У ҳолда 7-масаланинг ягона ечими мавжуд бўлади.

Диссертациянинг «**Капуто каср тартибли ҳосилали аралаш тенгламалар учун тўғри тўртбурчак соҳаларда тескари масалалар**» деб номланган 3-бобида тўғри тўртбурчак соҳада Капуто каср тартибли интегро-дифференциал оператори қатнашган аралаш тенгламалар учун 4 та тескари масала тадқиқ этилган.

3.1 параграфда вақт бўйича Капуто ҳосилали аралаш тенглама учун фазовий ўзгарувчилар бўйича нолокал шартли тескари масала тадқиқ қилинган. Масала ечими биортогонал қатор кўринишида қидирилиб, якунда икки ўзгарувчили Миттаг-Леффлер функцияси орқали ифодаланади.

Қуйидаги каср тартибли аралаш тенгламани

$$f(x) = \begin{cases} {}_C D_{0t}^{\alpha} u - u_{xx},\ t>0, \\ {}_C D_{t0}^{\beta} u - u_{xx},\ t<0 \end{cases} \tag{8}$$

$\Lambda = \left\{(x,t): 0<x<1, -p<t<q\right\}.$ тўғри тўртбурчак соҳада тадқиқ этамиз. Бу ерда $\alpha, \beta, p, q \in R^+$, шундайки $0<\alpha\leq 1, 1<\beta\leq 2$, $f(x)$ - номаълум функция.

8-масала. *Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи* $\left\{u(x,t), f(x)\right\}$ *функциялар жуфти топилсин:*

i) $u(x,t)\in C\left(\overline{\Lambda}\right)\cap C_x^2\left(\Lambda^+\cup\Lambda^-\right), {}_C D_{0t}^{\alpha}u \in C\left(\Lambda^+\right), {}_C D_{t0}^{\beta}u \in C\left(\Lambda^-\right), f(x)\in C[0,1];$

ii) Λ^+ *ва* Λ^- *соҳаларда (8) тенгламани ва қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантиради:*

$$u(0,t)=u(1,t),\ u_x(0,t)=0,\ -p\le t\le q,\ u(x,-p)=\psi(x),\ u(x,q)=\phi(x),\ 0\le x\le 1;$$

iii) $\lim\limits_{t\to+0}{}_C D_{0t}^{\alpha}u(x,t)=\lim\limits_{t\to-0}{}_C D_{t0}^{\gamma}u(x,t),\ 0<x<1,$ *улаш шартини қаноатлантиради.*

Бу ерда $\Lambda^+=\Lambda\cap\{t>0\},\Lambda^-=\Lambda\cap\{t<0\},\gamma=const\in(0,1],\psi(x),\phi(x)$ - берилган шундай функцияларки, $\phi(0)=\phi(1)$, $\psi(0)=\psi(1)$.

8-масалани тадқиқ этишдан олдин икки ўзгарувчили Миттаг-Леффлер типидаги функциянинг айрим хоссасини ўрганилган:

$$E_1\begin{bmatrix} \gamma_1,\alpha_1;\gamma_2,\beta_1 & |x \\ \delta_1,\alpha_2,\beta_2;\delta_2,\alpha_3;\delta_3,\beta_3 & |y \end{bmatrix}=$$

$$=\sum_{m=0}^{\infty}\sum_{n=0}^{\infty}\frac{(\gamma_1)_{\alpha_1 m}(\gamma_2)_{\beta_1 n}}{\Gamma(\delta_1+\alpha_2 m+\beta_2 n)}\frac{x^m}{\Gamma(\delta_2+\alpha_3 m)}\frac{y^n}{\Gamma(\delta_3+\beta_3 n)},$$

Қуйидаги лемма ўринли:

1-лемма. *Агар* $y=x,\gamma_2=\delta_3=1,\beta_1=\beta_3,\lambda=\beta_2$ *бўлса, у ҳолда*

